

ҚУВУР ТРАНСПОРТИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ИЖТИМОЙ МУНОСАБАТЛАРНИ ЯХШИЛАШГА ХИЗМАТ ҚИЛУВЧИ МУҲИМ ОМИЛЛАРДАН БИРИ СИФАТИДА

Бахриддин Лутфуллаевич Салимов
Фазилбек Қалбай угли Асанов
Самандар Куатбай угли Казаков
Тошкент давлат транспорт университети

АННОТАЦИЯ

Мақолада қувур транспортининг ривожланиши мамлакатимиз иқтисодиётининг бардавом ишлашени таъминлаб берадиган иш билан бирга ижтимоий муносабатларни яхшилаш учун муҳим омиллардан бири эканлиги, бунинг сабаби, қувур транспортида сарф-харажат жуда кам, меҳнат унумдорлиги эса анча баландлиги ва шунга мос равишда олинадиган даромад ҳам юқори даражада бўлиши масалалари таҳлил этилган.

Калит сўзлар: қувур, транспорт, газ, нефть, сув, аҳоли, унумдорлик, иқтисод.

КИРИШ

Замонавий йўл алоқа коммуникация тизимида юқларни ташишда фойдаланиладиган транспорт турларидан бири бу қувур транспорт тури ҳисобланади. Маълумотларга кўра «Маҳаллий аҳамиятга молик биринчи нефть қувури 1865 йилда АҚШда қурилган бўлиб, унинг узунлиги 6 км бўлган». Ушбу манбаадан кўриниб турганидек, қувур транспорти ҳам бошқа замонавий транспорт турлари ҳисобланган автомобиль, темир йўл ва ҳаво транспортлари каби нисбатан янги транспорт тури саналади. Айтиш мумкинки, XIX аср инсоният учун буюк кашфиётлар даври бўлган. Хусусан, транспорт соҳасида ҳам. Шу асрда темир йўлда ҳаракатланувчи паровоз, кемачиликда пороход, автомобиль ва ҳавода учадиган қурилмалар яратилган. Булар қаторига қувур транспортини ҳам қўшсак бўлади.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Мана, инсоният қувур транспортини кашф этиб, ундан фойдаланаётганига 150 йилдан бир оз ортиқ вақт ўтибди. Кўп манбааларнинг ишонарли далиллариغا кўра қувурлар дастлаб нефтни ташишда қўлланилган. Қувур транспорти

кашф этилган биринчи кунларданоқ инсонлар унинг самадорлигини билганлар. Маълумки, бошқа транспорт турлари доимий маблағ сарфлашни тақозо этади. Қувур транспортида бундай эмас. Қувур транспортининг бир марта ётқизилгандан сўнг ундан узоқ йиллар мобайнида фойдаланиш имкониятининг мавжудлиги одамларни қизиқтириб қўйган. Ана шу хусусияти боис, йиллар ўтиб аввал нефт кейин табиий газ дерли қувур транспорти орқали ташишга ўтилди. Фақат ривожланган, қудратли давлатларгина эмас, балки ривожланаётган давлатлар қувур транспортини қуришга, агар бор бўлса уни кенгайтиришга ҳаракат қилмоқда. Ҳар томонлама қулайлиги боис дунё мамлакатларининг қувурлардан фойдаланиш кўрсаткичи йилдан-йилга ортиб бораётир. Бошида узунлиги бор йўғи 6 км бўлган қувур транспорти мислсиз равишда ўсди. Мамлакатларнинг минглаб километр узунликдаги қувур транспортига эга бўлишлари ва фойдаланишлари одатий ҳолга айланди. Жаҳон миқёсида оладиган бўлсак, «Газ ва нефт қувурларининг умумий узунлиги 2 миллион километрга яқин бўлиб, уларнинг асосий қисми нефт-газ қазиб олувчи давлатлар ҳудудига тўғри келади».

Қувур транспортининг бошқа транспорт турларига қараганда бир қатор афзалликлари мавжуд:

- биринчи афзаллик, бу қувур транспортининг арзонлиги, ортиқча сарф-ҳаражатларни талаб этмаслиги, бир марта ётқизилган қувурларни узоқ йиллар мобайнида хизмат қилиши;
- иккинчи афзаллик, қувур транспортининг рельефга боғлиқ эмаслиги сабабли энг қисқа йўллардан ўтказиш имкониятининг мавжудлиги;
- учинчи афзаллик, қувур транспорти экологик жиҳатдан хавфсиз ва атроф-муҳитга зарар етказмайди;
- тўртинчи афзаллик, қувур транспортини жуда узоқ масофаларга ҳам узлуксиз ўтказиш имконияти мавжуд;
- бешинчи афзаллик, қувур транспорти мамлакатлар чегарасидан ортиқча оворагарчиликсиз, ҳар хил текширувларсиз ўтказилиши;
- олтинчи афзаллик қувур транспортида исталган ҳажмдаги ва миқдордаги суюқ ва газсимон ҳолатидаги юкларнинг ўтказилишини мумкинлиги.

Шу билан бирга қувур транспортининг яқкаю-ягона ўзига хос нозик жойи бор. Бу қувур транспортида ҳар қандай юкларни ташишнинг иложи йўқлиги. Қувур транспорти фақат газсимон ва суюқ кўринишдаги юкларни ташишга мўлжалланганлигидир. Бироқ, унинг бу камчилигига қарамасдан, дунёнинг қўплаб давлатлари қувур



транспортидан фойдаланишни маъқул кўрмоқдалар. Ушбу қазилма бойликларга эга давлатлар ўзининг нефт ва газ маҳсулотларини чет давлатларга тўғридан тўғри қувур таранспорти орқали экспорт қилмоқда. Масалан, Россия давлати ўз газини минглаб километрларга чўзилган магистрал газ қувурлари орқали Европа давлатларига юборади. Нефть қувурларининг узунлиги газ қувурларига қараганда нисбатан камроқ. Лекин, шунда ҳам минглаб километрларга чўзилиши мумкин. Бунда қазиб олинган нефть маҳсулотлари нефтни қайта ишловчи заводларгача, темир йўл станциялари ва денгиз бандаргоҳларигача бўлган масофаларга қувур орқали етказилади. Ундан у ёғига темир йўл цистерналарида ва денгиз танкерларида манзилга етказилади. Яна шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, қувур транспортидан мамлакатларнинг ички коммуникация тизимларида ҳам қўлланилади. Шу ўринда қизиқ бир ҳолат. Қувурларда сут ташилганини эшитганмисиз? Кўпчиликнинг бу саволга йўқ деб жавоб бериши табиий. Чунки, бизлар қувур транспортида асосан нефть, газ, сув ташилганини кўрганмиз, билганмиз. Лекин, баъзи давлатларда қувурлардан ноаънанавий юк – сут ҳам ташилар экан. Хусусан, Австрия ва Швеция мамлакатларида сут қувурлар орқали тоғ яйловларидан пастликка қараб ўз оқими бўйича ташилар экан. Бундай йўл тутилишига ўзига хос иқтисодий манфаатдорлиги бўлган. Аввало, баланд, қияликлардан иборат тоғ яйловларига цистернали автомобилларнинг ҳаракатланишига мўлжалланган йўллар қуриш керак. Иккинчидан, мана шу мураккаб йўналишли йўлдан цистернали автомобиллар доимий равишда сутни ташиш учун ҳаракатланиб туриши лозим. Буларнинг бари пул, маблағини тақозо этади. Кейин, мураккаб йўлларда ҳаракатланаётган юк автомобилларининг автоҳалокатга учрамаслигига ҳам кафолат йўқ. Шуларни инобатга олган ҳолда сутни қувурларда ташиш танланган. Бунда сарф-ҳаражат анча тежалган, юкни манзилга етказишда хавфсизлик даражаси ҳам таъминланган. Шунингдек, бизга маълумки, аксарият давлатлар ўз аҳолисига, корхона – ташкилотларга табиий газ ва ичимлик сувини етказиб беришда қувур транспортидан фойдаланиб келишмоқда. Шахсан кўпчилигимиз қувур транспортининг мана шундай қулайлигидан баҳраманд бўлаётимиз. Бизлар истиқомат қилаётган хонадонларимизга ҳам айни дамларда табиий газ ва ичимлик сувлари қувурлар орқали етказиб берилмоқда. Бу восита арзонлиги ва қулайлиги боис, аллақачон ўзининг самадорлигини исботлаган. Шу боис, дунёнинг барча давлатлари қулай ва арзон бўлган қувур транспортидан имкон қадар фойдаланишга интилишмоқда.

Шуни таъкидлаш керакки, қувур транспорти – Ўзбекистон учун ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистонда қувур транспортининг пайдо бўлиши 1908 йилга бориб тақалади. Худди ўша йили мамлакатимиз тарихида дастлабки нефть қувур йўли 20 километрлик узунликдаги, Чимён нефть конидан Олтиариқ нефтни қайта ишлаш заводигача бўлган масофага ётқизилган. Бу юртимизда қувур транспортининг дебочаси эди. Йиллар ўтган сари қувур транспорти масофаси ҳам узунлашиб борди. Биргина, мана шу, Олтиариқ нефтни қайта ишлаш заводидан бошқа нефть конларигача бўлган қувурлар узунлиги бугунги кунга келиб 230 километрни ташкил этмоқда. Кейинчалик, Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудларида ҳам нефть қувурлари ётқизилган. Жумладан, Сурхондарё вилоятида Лалмикор – Қумқўрғон нефть қузури, Қашқадарё вилоятида Фарбий тошлоқ – Шимолий Ўртабулоқ нефть қузури ва Бухоро вилоятида Кўкдумалоқ – Бухоро нефть қувурлари мавжуд.

Республикамызда газ қувурларини қуриш ва эксплуатация қилиш ишлари нефть қувурларига қараганда кечроқ бошланди. Бу ўтган асрнинг олтишинчи (1960) йилларнинг бошларига тўғри келади. Газ қувурларидан фойдаланиш нефть қувурларидан ярим аср кейин бошланган бўлсада, ўтган вақт ичида кўлам ва ҳажм жиҳатидан анча юқорилаб кетди. Бунинг боиси мамлакатимизда жуда кўп сонли заҳирага бой газ конларининг мавжудлигидир. Ушбу газ конлари, бирин-кетин, босқичма-босқич ўзлаштирила борди. Дастлаб маҳаллий аҳамиятга молик бўлган йўналишларда газ қувурларини ётқизиш ишлари амалга оширилди. Асака – Андижон, Хўжаобод – Фарғона, Шимолий Сўх – Қўқон ва Газли – Когон йўналишларидаги газ қувурлари шулар жумласидан эди. Кейинчалик, анчайин узокроқ масофаларни қамраб олган Жарқоқ – Бухоро – Самарқанд – Тошкент ва Муборак – Тошкент газ трубалари ўтказилди. Мазкур йўналишлардаги газ қувурларини ўтказилиши Республикадаги хўжалик субъектларини ва аҳолини табиий газ билан таъминлашдаги ўрни катта бўлди. Мамлакатимиздаги мавжуд газ конларидаги манбаанинг мўл-кўллиги табиий газнинг чет давлатларга экспорт қилишни имконини берган. Бир қатор давлатларга газ юбориш учун магистрал газ қувурлари ўтказилган. Хусусан, «Ўзбекистондан Уралга (2100 км), Москвага (3500 км) ўтказилган газ қувурлари диаметрининг катталиги ва узунлиги жиҳатидан жаҳонда олдинги ўринлардан бирини эгаллайди». Бундан ташқари мамлакатимиз қувур транспорти орқали кўшни Тожикистон, Қирғизистон, Туркменистон, Қозоғистон, Афғонистон ҳамда Хитой давлатлари билан боғланган. Бу давлатлар орасидан Тожикистон, Қирғизистон, Қозоғистон ва Афғонистон мамлакатлари бизларнинг табиий

газимиз билан таъминланаётир. Ўзбекистон қувур транспортининг транзитидан ҳам унумли фойдаланилмоқда. Бу Ўзбекистон орқали Туркменистондан Хитойга ўтадиган қувур транспортида табиий газнинг етказиб берилишида намоён бўлмоқда. Буларни бари мамлакатимизда қувур транспортининг маҳаллий даражадан халқаро аҳамиятга молик даражага ўсиб борганлигини далолатидир.

ХУЛОСА

Давлатлараро магистрал газ қувурларининг мавжудлиги ва у орқали табиий газ экспорт қилаётганлигимизнинг қуйидаги ижтимоий муносабатларга ижобий жиҳатлари бор:

- ❖ биринчидан, табиий газ етказиб бераётган давлатлар билан муносабатларимизнинг барқарор бўлишини таъминлайди;
- ❖ иккинчидан, халқаро миқёсда давлатимизнинг нуфузини ошиб боришига асос бўлади;
- ❖ учинчидан, мамлакатимизнинг экспорт салоҳиятини кўтарилишига хизмат қилади;
- ❖ тўртинчидан, ватанимиз иқтисодиёти учун зарур бўлган валюта маблағларини олиб келадиган муҳим бир манбаа ҳисобланади;
- ❖ бешинчидан, ушбу магистрал газ қувурларининг мавжудлиги, фаолият кўрсатиши юзлаб ва балким минглаб фуқароларимизни иш билан таъминлаш имконини берган.

Хуллас қувур транспортининг ривожланиши мамлакатимиз иқтисодиётининг бардавом ишлашини таъминлаб берадиган иш билан бирга ижтимоий муносабатларни яхшилаш учун муҳим омиллардан биридир. Бунинг сабаби, қувур транспортида сарф-харажат жуда кам, меҳнат унумдорлиги эса анча баланддир. Шунга мос равишда олинадиган даромад ҳам юқори даражада бўлиши таъминланади.

REFERENCES

1. Трубопроводный транспорт нефти и нефтепродуктов. – Новополоцк: ПГУ, 2007. – С. 14.
2. GEOGRAFIYA. Jahon iqtisodiy-ijtimoiy geografiyasi. – T.: “O‘zbekiston”, 2019. – B. 62.
3. Бахриддин Лутфуллаевич Салимов (2022) ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТИДА КОММУНИКАЦИЯ ВА ТРАНСПОРТ ТИЗИМИНИНГ ЎРНИ. Academic research in educational sciences, 3 (TSTU Conference 1), 403-407.



4. Salimov Baxriddin Lutfullaevich. The philosophical role of dialectical categories in human life. *Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*. Volume: 1, Issue 6, 2021. -P.406-410.

5. Салимов Б.Л. Ижтимоий муносабатларнинг коммуникация ва транспорт тизими билан детерминистик боғлиқлигининг гносеологик таҳлили. Фалсафа фанлари доктори диссертацияси. Ўзбекистон Миллий университети. Тошкент. 2022, 224 б.

